



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MAKTABGACHA TA'ILIM VAZIRLIGI ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOGLIQNI SAQLASH VAZIRLIGINING QARORI

**Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сон “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 20/1, 10-ққ/1-сон қарори (руйхат рақами 3012, 2018 йил 14 май) билан тасдиқланган Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“11. Мактабгача таълим муассасасига олиб келишда тарбияланувчини ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахс, ота-онанинг вояга етган фарзандлари, бобоси, бувиси ёки ота-она томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ота-онанинг вакили) уни шахсан гуруҳ тарбиячисига топшириши лозим.

Мактабгача таълим муассасасидан олиб кетишда гуруҳ тарбиячиси тарбияланувчини унинг ота-онасига (уларнинг ўрнини босувчи шахс, ота-онанинг вояга етган фарзандлари, бобоси, бувиси, ёки ота-она томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ота-онанинг вакилига) топшириши лозим.”

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Мактабгача таълим вазири

Тошкент ш.,  
2018 йил 14 июль  
2-ддг сон



А. Шин

Соғлиқни сақлаш вазири

Тошкент ш.,  
2018 йил 14 июль  
37-сон



А. Шадманов

